

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь). Халқ сўзи. 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).
2. Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг Ахборот маркази томонидан Ўзбекистон ҳукумати ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг "Рақамли ривожланиш ташаббуси" дастури – Т.: 2003 – 262 б.
3. Гавриловец, К.В. Нравственно-эстетическое воспитание школьников: книга для учителей / К.В. Гавриловец, И.И. Казимирская. 2-е изд. - Минск: Народная асвета, 1989. – 168 с.
4. Дерябо С. Д., Ясвин В. А. Методики диагностики и коррекции отношения к природе. – М.: ЦКФЛ РАО, 1995. – 107 с.
5. Хвостов Андрей Анатольевич. Структура и детерминанты морального сознания личности : Дис. ... д-ра психол. наук: – Москва, 2005. – 496 с.
6. Докторов Б.З., Сафонов В.В., Фирсов Б.М. Уровень осознания экологических проблем: профили общественного мнения // Социолог. исслед. 1992. № 12. – С. 51 - 58.
7. Моисеев, Н.Н. Устойчивое развитие и экологическое образование/ Н.Н. Моисеев // Философские аспекты социальной экологии. – М., 1996. – С. 1-12.
8. Олейников Ю.В. Экологическая обусловленность мировоззренческих трансформаций/ Ю.В. Олейников // Философия экологического образования. – М., 2001.

**Остонова Гулшод Раззоқовна,**

*"Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" кафедраси ўқитувчиси  
Бухоро давлат университети илмий тадқиқотчиси*

**ЎҚУВЧИЛАР ТОМОНИДАН САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ИДРОК ВА  
ТАСАВВУР ҚИЛИНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** Умумтаълим мактаб ўқувчилари томонидан санъат асарларини идрок ва тасаввур қилинишининг ўзига хос хусусиятларининг масалалари мақолада ўз ифодасини топган.

**Калим сўзлар:** тасвирий санъат, идрок, тасаввур, идрок дифференцилиги, аналитиклик, конкретлик, башоратлик

**Аннотация:** В статье отражены вопросы особенностей восприятия и воображения произведений искусства учащимися средней школы.

**Ключевые слова:** изобразительное искусство, восприятие, воображение, разница в восприятии, аналитика, конкретность, предсказуемость

**Abstract:** The issues of the peculiarities of the perception and imagination of works of art by secondary school students are reflected in the article.

**Key words:** fine arts, perception, imagination, difference in perception, analytics, concreteness, predictability

**Мавзанинг долзарблиги:** Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш таълим ва тарбия самарадорлигини замон талаблари асосида таъминлаш, уни дунё талаблари даражасига олиб чиқишга эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниш орқали таълим тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш, махсус мактаб ва мактабгача тарбия тизимини халқимизнинг бой тажрибалари асосида бойитиб бориш ва унинг янги қирраларини излаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидир.

Санъат табиат ва жамиятдаги воқеа – ҳодисаларнинг бадиий тасвирларда ифодаланишидир. Санъат ўзида моддий оламнинг умумий ҳолатини ҳамда ривожланишини акс



эттириш, одамларга уни билдиришда муҳим восита бўлиш билан бирга, инсонни сиёсий, ахлоқий ва бадиий жиҳатдан тарбиялашнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилади.

Санъат асарларини ўқувчилар тўлақонли идрок этиши ва тасаввур қилишига ўргатишда қуйидаги бир қатор вазифалар бажарилиши шарт.

Биринчидан, ўқувчи тўлиқ, анланган, танланган, предметларнинг фазовий жойланишини идрок эта олиши, турғун, предметли, образли, ҳиссий-эмоционал бўлиши лозим. Акс ҳолда бу идрок ва тасаввур эмас, балки сезги жараёнидан нарига ўтмаган бўлади.

Иккинчидан, ўқувчи идрок этаётган, тасаввур қилаётган нарса ва ҳодисаларда гўзалликни кўра билиши, ундан ҳиссий завқланиши, нафосатдан баҳраманд бўлиши, маънавий, ахлоқий, эстетик озуқа олиши лозим. Акс ҳолда бу жараён оғир даражадаги ақли заиф индивидда ҳам мавжуд бўлган кундалик, доимий, ҳар дақиқадаги идрок ва тасаввурдан фарқ қилмайди.

Учинчидан, дунёда ва албатта ўз Ватанида тасвирий санъат борасида таниқли бўлган шахсларни, уларнинг асарларини билиши, улар ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим.

Тўртинчидан, тасвирий санъатга туғма лаёқати бўлган ўқувчида юқоридагилардан ташқари халқ амалий санъатини билиш, тасвирий санъатга нисбатан ўчмас қизиқиш ва меҳр, ёшига ва фаолиятига мос бадиий диди, тасвирий санъат фаолиятида ижодкорлиги, ўзига хос бадиий-ижодий услуб куртаклари бўлиши керак.

Бешинчидан, ҳар бир ижодкор, шу жумладан, тасвирий санъат вакили ўз санъат турининг инсоният цивилизациясидаги ва кундалик ҳаётимиздаги ўрни, роли, аҳамиятини аниқ кўра билиши, ўз маҳоратини намойиш қилиш орқали санъатнинг ёшлар, аҳоли орасида тарғиботчиси, ташвиқотчиси вазифасини ўташи лозим.

Олтинчидан, тасвирий санъат асарларни идрок этишда унинг мазмуни ва муаллифнинг асосий ғоясини англаш, эмпатия (муаллиф ҳиссиётига ҳамдард, ҳам фикр бўлиш ҳисларини бошдан кечириш), асардаги ранглар ва уларнинг ўзаро муносабатлари мазмун-моҳиятини тушуниш, идрок этаётган асарларни бир бутунлигича яхлит ва ундаги айрим унсурларни оддий омма кўзи билан эмас, балки синчков таҳлилчи, олим, мутахассис, эксперт кўзи билан кўриш лозим.

В.С.Кузин<sup>1</sup> сўзлари билан айтганда, “Тасвирий санъат ўз табиати ва ўзига хос хусуситлари бўйича атроф-борликни эстетик ўзлаштириш бўлиб, унда гўзаллик, бемаънигарчилик, фожиалилик, юксаклик акс этади”.

“Ҳар бир бадиий идрокнинг асосий сифат хусусиятларига дифференциаллик, таҳлилийлик, конкретлилик ва башоратлилик киради”.(С.А.Ерков, 2006).

Дифференциаллик бу тасвирий санъат асарини бир бутунлигича кўриш билан бирга ундаги образ ва предметларни ўзига хос хусусиятларини кўра билишдир.

Таҳлилийлик асардаги ҳолатни юзага келиш сабаб ва омиллари ҳамда ва орасидаги ўзаро боғлиқликни ифода этади.

Конкретлилик – асардаги нарса ва ҳодисаларни ўзига хос фарқли индивидуал хусусиятларини кўра билиш.

Башоратлилик асардаги ҳолатнинг ривожланишида нималар содир бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш, башорат қилишдир.

Тасвирий санъат асарини идрок қилишда қуйидаги босқичлар мавжуд:

- идрок – асарни мазмун ва сюжетни идрок қилиш.

-кўриш – асарнинг моҳияти, бош ғоя ва муаммосини онда акс эттириш.

Ўқувчиларда тасвирий санъат асарларини идрок қилиш юзасидан экспериментал тадқиқот Бухоро вилояти ўқувчиларида ўтказилди. Бухоро шаҳрининг 34 - ва 39-сонли ўрта умумтаълим мактабларининг 5 - ва 6-синф ўқувчилари (112 нафар) ва 7-синф ўқувчилари (87 нафар), Жондор тумани 5-сонли ўрта умумтаълим мактабининг 5-, 6-, 7-синф ўқувчилари (81 нафар) ҳамда Ромитон тумани 1-сонли ўрта умумтаълим мактабининг 5-,6-,7-синф ўқувчилари (78 нафар) - жами 358 нафар тадқиқотда иштирок этди.

Экспериментал материал сифатида тасвирий санъат асарларидан учта намуна танлаб олинди.

1.”Менинг дуторим” (Ўрол Тансиқбоев).

2.Амир Темур (Малик Набиев).

3.Уста кулол.

<sup>1</sup>В.С.Кузин. Психология живописи. Учебное пособие для вузов. М.,ОНИКС, “21 век”, 2005, 304 стр.



Экспериментал маълумотлар икки босқичда олинди.

Биринчи босқичда тасвирий санъат дарсида (ҳар дарса битта асардан тақдим этилди) ҳар бир ўқувчига картина тарқатилиб, унда асарда нима кўраётганини, ҳис қилаётганини қоғозда ёзма равишда ифодалаш буюрилди.

Ёзма ишлар йиғиб олингандан сўнг 1 ҳафта ўтгач, шу синф ўқувчилари билан экспериментнинг 2-босқичи ўтказилди.

Иккинчи босқичда вазифа бажаришга киришиш олдидан тегишли мусиқа билан “Менинг дуторим” асарига яқин бўлган мазмунда баҳор фаслида тоғ манзараси ҳақида 5 дақиқалик видеоматериал намойиш қилиниб, сўнгра ўқувчиларга яна санъат асари тарқатилиб, асарни ёзма изоҳлаш сўралди.

Видеоматериал фақат “Менинг дуторим” асари учун қўлланди. “Уста кулол” ҳамда “Амир Темур” асарларини изоҳлашда оғзаки суҳбат билан чекланилди.

Ҳар бир асар бўйича маълумот алоҳида бир дарсада ўтказилди. Тасвирий санъат асарларини идрок қилиш юзасидан олинган экспериментал маълумотдан ташқари ҳар бир ўқувчи ўзи, оиласи, ота-онаси, қизиқиши ва бошқа бир қатор саволлар бўйича тузилган сўровнома тўлдирди.

Ўқувчиларга вазифа сифатида берилган асарлардан ташқари бошқа дарсада “Баҳор фаслида тоғ манзараси” мавзусида тасаввурлари асосида расм чизиш буюрилди ва ўқувчиларнинг расм солиш малакалари ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳамда илмий таҳлил учун йиғиб олинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий таҳлили куйидагиларни кўрсатди.

Ўқувчилар томонидан тасвирий санъат асарларини идрок қилиш ҳолатини ўрганиш учун тадқиқотда ишлатилган уч асардан ўқувчилар учун идрок этишда нисбатан осонроғи Ўрол Тансиқбоевнинг “Менинг дуторим” асари бўлди. Нисбатан мураккаби Малик Набиевнинг “Амир Темур” портрети ва энг мураккаби бухоролик рассом .....нинг “Уста кулол” асари бўлди. “Менинг дуторим” асарини ўқувчилар ўзга асарларга нисбатан яхши идрок қилганлигини баҳор манзараси, табиат кучоғи кўпчилик ўқувчиларга таниш эканлиги ва хотирасида қолганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Амир Темур шахсини тўлиқ идрок қилиш бу ёшдаги ўқувчилар учун нисбатан мураккаблик қиладиган вазифадир. Чунки бу шахсдан психологияни билишни, физиогномика элементларидан хабардор бўлишни, Амир Темур ҳақида етарли билимга эгалликни талаб қилади. Илмий таҳлилда куйидагиларни мезон сифатида қўлладик:

- тасвирий санъат асарини идрок этишнинг тўлиқлиги;
- асардаги асосий предмет ва ҳодисалардан унинг деталларини ажрата билиш;
- асарда образлар орасидаги муносабатлар;
- асарда муаллиф ғояси, мақсадини англаш;
- асарни идрок этишда ижодий ёндашиш;
- асарда ранглар ва уларни нгўзаро муносабати ҳақида фикр юритиш;
- асарни идрок этиш орқали нима олинганлиги, қандай хулоса чиқарилганлиги, асар идрок этаётган шахс учун қандай тарбиявий, маънавий озуқа берганлиги;

Тасвирий санъат намунасини кўришнинг ўзи кифоя қилмайди, уни кўриш билан бирга англаш ва ҳиссий эмоционал, эстетик завқ ола билиш ҳам керак. Шундагина асар тушунилган бўлади. Эстетик завқ олиш, ҳиссий завқланиш идрок этилаётган санъат асари муайян шахснинг эҳтиёжига қай даражада мос келишига ҳам боғлиқ. Бунга мисол келтирсак, ёшлар ўз хоналарига осиб қўядиган плакатларни ўрта, катта ёшдагилар умуман хонасига илмайди, чунки ёш, маълумот ва бошқа омиллар шу шахсни эҳтиёжлари мазмунига жиддий ўзгартиришлар киритади. Баъзи шахсларда эҳтиёж, қадриятлар ўзгармаганлиги унинг хатти-ҳаракатлари мазмунида акс этади.

**Аналитиклиги (таҳлилийлиги)** –тасвирий санъат асарида ифодаланган нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро сабаб-оқибат тарзида узвий ва ўзаро боғлиқлигини идрок этиш.

**Конкретлилик** – асардасавирланган нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини идрок этиш, асарни билиш жараёнида идрокнинг ўзга ташқи таъсирга тобе бўлмаслиги.

**Башоратлилик** –асардаги воқеа ва ҳодисаларни хаёлан давом эттира олиши, расмда тасвирланган муаммонинг ечимини кўра олиши.



**“Менинг дуторим” асарининг (Ў.Тансиқбоев) экспериментга қадар ва суҳбатдан сўнг идрок этилиши.  
Бухоро шаҳри 5-синф ўқувчиларининг кўрсаткичлари (% ҳисобида)**

т/р	Тасвирий санъат асарини идрок этиш хусусиятлари (мезонлар)	Баҳолаш мезонлари (баллда)					
		5 юқори		4 ўрта		3 қуйи	
		СО	СС	СО	СС	СО	СС
1	Идрок этиш тўлиқлиги	13,8	20,7	53,4	65,5	32,7	13,8
2	Идрок дифференциаллиги	10,3	15,5	48,3	58,6	41,4	25,9
3	Образлар орасидаги муносабатларни идрок этиш	12	17,2	34,6	41,4	53,9	41,4
4	Асар ғояси, мақсадини англаш	3,4	8,6	27,6	32,7	69	58,7
5	Ижодий идрок қилиш	6,9	10,3	37,9	41,4	55,2	48,3
6	Ранглар ва уларнинг ўзаро муносабатини идрок қилиш	5,2	8,6	25,8	31	69	60,4
7	Асарнинг ўқувчига маънавий тарбиявий таъсирини ҳис этиш	10,3	18,9	57	57	32,7	24,1
8	Асардан ҳиссий, эмоционал, эстетик завқ олиш	12	22,4	55,3	51,8	32,7	25,8
9	Идрокнинг предметлиги	67,2	74,1	20,7	15,5	12,1	10,4
10	Идрокнинг аналитиклиги, тасвирланган нарса ва ходисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини аниқлаш	5,2	8,6	17,2	20,7	77,6	70,7
11	Идрокнинг конкретлиги	17,2	20,7	43,6	43,1	51,8	36,2
12	Идрокнинг башоратлиги	3,4	6,9	31	34,4	65,6	58,7

**со-суҳбатдан олдин****сс-суҳбатдан сўнг(таълимий суҳбатдан сўнг)**

**Идрок дифферентлиги** – асардаги ифоданинг тўлиқлиги билан бирга ундаги айрим хусусиятлар, образдаги ҳолатларни идрок эта олиш.

Тасвирий санъат асарлари ўқувчилар томонидан идрок ва тасаввур қилинишини чуқурроқ ўрганиш учун идрок этиш хусусиятларидан 12 тасини ажратиб олдик. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Идрокнинг тўлиқлиги.
2. Идрок дифференциаллиги.
3. Образлар орасидаги муносабатни идрок қилиш.
4. Асар ғояси, муаллиф мақсадини идрок асосида англаш.
5. Ижодий идрок қилиш.
6. Ранглар ва уларнинг ўзаро муносабатларини идрок қилиш.
7. Асарнинг ўқувчига маънавий, тарбиявий таъсири.
8. Асардан ҳиссий, эмоционал, эстетик завқ олиш.
9. Идрокнинг предметлиги.
10. Идрокнинг аналитиклиги.
11. Идрокнинг конкретлиги.
12. Идрокнинг башоратлиги.

Тасвирий санъат асарларини идрок қилиш хусусиятлари 5 балли тизимда уч даражада баҳоланди.

Идрок этиш хусусияти тўлиқ ифодаланганда 5 балл, ўртача ифодаланганда 3 балл ва кам ифодаланганда 1 балл билан баҳоланди.

Ў.Тансиқбоевнинг “Менинг дуторим” асарининг мазмуни идрокни ўрганиш учун деталларда санаб ўтилган.

Тоғ этагида жойлашган қишлоқ ёшлари баҳор фаслида табиат кучоғида, лола сайлида.

1. Турли баландликдаги тоғлар.
2. Тоғ тепасида қорлар.
3. Тепаликлар.



4. Тоғ этагида қишлоқ, уйлар.
  5. Кўк майса билан қопланган дала.
  6. Гуллаб ётган мевали дарахтлар.
  7. Ғунча бўлиб турган тоғ лолалари ва бошқа гуллар.
  8. Тўлиб-тошиб оқаётган сой.
  9. Гул тераётган қишлоқ қизлари.
  10. Дутор чалаётган созанда, мириқиб кўшиқ эшитаётган одамлар.
  11. Эсаётган ёқимли тоғ шамоли.
  12. Ранг-баранг гуллар.
  13. Асарда тасвирланган 8 нафар қиз.
  14. Қишлоқни зилол тоза сув билан таъминлаб турувчи баланд тоғлар.
  15. Баҳор фасли, табиатнинг уйғониши, табиат кучоғида дам олаётган ёшлар.
  16. Қизлар чалаётган куйларда гўзаллик, ёшлик, ҳаётниҳоятда завқли, бетакроп эканлигининг ифодаланиши.
  17. Асарда тасвирланган қизларнинг ҳиссий-эмоционал ҳолати.
- 1-6 гача ифодаланганлиги - 1 балл  
7-12 гача ифодаланганлиги – 3 балл  
13-18 гача ифодаланганлиги – 5 балл
- Хар бир хусусият бўйича муайян мезонлар ишлаб чиқилди. Масалан, Ў.Тансиқбоевнинг “Менинг дуторим” асарини идрок этиш тўлиқлигини баҳолаш учун асардаги 17 объект белгиланиб, шулардан 1-6 тагача ўқувчи томонидан “тилга олинса” 1 балл (қуйи), 7-12 объект аниқланган бўлса 3 балл (ўрта), 13-18 объект аниқланган бўлса 5 балл (юқори) идрок тўлиқлиги деб ҳисобланди.

Шу каби мезонлар ҳар бир хусусият бўйича ишлаб чиқилган.

Экспериментал маълумотлар икки босқичда олинган.

Биринчи босқичда ўқувчилар (ўқувчилар) билан ҳеч қандай махсус суҳбат ўтказилмасдан, асар тақдим этилиб, у ҳақда нима идрок этаётганини ёзиш сўралади.

Иккинчи босқичда эса орадан бир ҳафта ўтгач, асар ҳақида озгина суҳбат қилинган, асардаги тасвир мавзуси бўйича аудио ёки видеоматериал намойиш этилиб, сўнгра ўқувчилардан “Менинг дуторим” асари ҳақидаги фикрларини қоғозга ёзиб бериш сўралади.

Ў.Тансиқбоевнинг “Менинг дуторим” асари бўйича Бухоро шаҳрининг 34- ва 39-сонли ўрта умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари (58 нафар) ёзган ишлари, яъни улар томонидан тасвирий санъат асарини идрок қилиш натижаларининг таҳлилий маълумоти статистика ҳолатида 10-жадвалда ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларига кўра 5-синф ўқувчиларида асарни идрок қилиш тўлиқлиги етарли шаклланмаган. Ўқувчиларнинг учдан бир қисми (32,7%)да идрок тўлиқлиги қуйи савияда эканлиги аниқланди. Тадқиқотда қатнашган ўқувчиларнинг ярми (53,4%) ўрта баҳоланди. Буларда ҳам асарни идрок қилишда нотўлиқлик аломатлари мавжуд. Фақат 58 ўқувчидан 8 нафариди (13,8%)да асарни идрок этиш тўлиқлиги ўз ифодасини топди.

Асарни идрок этиш борасида махсус суҳбат ўтказилган, ўқувчиларнинг маълум қисмида олинган идрок тўлиқлиги бўйича кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарилганлиги намоён бўлди.

Идрок тўлиқлиги бўйича қуйи даражадагилар сони қисқариб, ўрта ва яхши баллар олганлар, яъни юқори ва ўрта даражадагилар сонининг ўсиши кўзга ташланди.

Идрокнинг предметлилиги тасвирий санъат асарини идрок қилишни таъминлайдиган хусусиятлар орасида ўрта ва юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Бу 5-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятига боғлиқ хусусиятдир. Агар бу борада қуйи кўрсаткичлар ифодаланганида уларнинг психик ривожланишида гумон пайдо бўлиши мумкин эди.

Шу билан бирга асарни тўлақонли идрок қилишда катта қийинчиликлар юзага келтираётган ва бизнинг фикримизча, бу ёшда ҳам етарли шаклланмаган хусусиятларга қуйидагилар киради:

- образлар орасидаги муносабатларни идрок қилиш;
- асар ғоясини, муаллиф мақсадини англаш;
- ижодий идрок қилиш;
- ранглар ва уларнинг ўзаро муносабатини идрок қилиш;
- идрокнинг аналитиклиги;
- идрокнинг башоратлилиқ хусусиятлари.



Юқорида қайд этилган олтига хусусият бўйича ўқувчиларнинг кўрсаткичлари паст бўлиб, махсус суҳбатдан сўнг ҳам кескин ўсиш йўқлиги кузатилмоқда.

Бу бизнинг фикримизча икки омил билан белгиланади.

Биринчидан, мазкур ҳолат ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ бўлса, иккинчидан ўқувчиларда ушбу идрок хусусиятларини шакллантиришга эътибор бермаслигимиздандир.

Тадқиқотда ўтказилган қисқа суҳбат ва мавзуга оид аудио, видеоматериаллардан фойдаланиш ўқувчиларда идрокнинг бир қатор хусусиятлари бўйича ифодали динамикани кўрсатди. Бу эса тасвирий санъат асарларини идрок қилишда таълимнинг катта потенциал имкониятлари борлигидан далолатдир. Шу билан бирга тасвирий санъат дарсларида, дарсдан ташқари тадбирларда экскурсия, сайр, миллий халқ ўйинлари, кулолчилик ва бошқа санъат турлари воситасида бошланғич синф ўқувчиларида идрок хусусиятларини шакллантиришни бошлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Л.С.Выготский сўзлари билан айтганда, таълим тараққиётга мосланиши эмас, балки тараққиётни етаклаши лозим.

Шу боис мақсадли тузилган машғулотлар, такомиллашган дастурлар, турли дидактик воситалар орқали тасвирий санъат асарларини идрок қилиш хусусиятларини олдинроқ шакллантиришимиз ва ёшларни тасвирий санъатга бўлган иқтидоридан янада самаралироқ фойдаланишимиз мумкин.

Жадвал № 2.

**Бухоро шаҳрининг 5- ва 7-синф ўқувчилари томонидан “Менинг дуторим”  
(Ў.Тансиқбоев) асарини идрок этилиши**

т/р	Тасвирий санъат асарини идрок этиш хусусиятлари (мезонлар)	Ривожланганлик даражаси (баллда)					
		5 юқори		3 ўрта		1 қуйи	
		5 – синф	7 - синф	5 -синф	7 - синф	5- син ф	7 - син ф
1	Идрокнинг тўлиқлиги	13,8	31	53,4	41,4	32,7	27,6
2	Идрокнинг дифференциаллиги	10,3	28,7	48,3	40,2	41,4	31
3	Образлар орасидаги муносабатларни идрок этиш	12	33,3	34,6	40,3	53,9	26,4
4	Асар ғояси, мақсадини англаш	3,4	12,6	27,6	40,3	69	47,1
5	Ижодий идрок қилиш	6,9	12,6	37,9	31	55,2	56,3
6	Ранглар ва уларнинг ўзаро муносабатини идрок қилиш	5,2	17,2	25,8	49,5	69	33,3
7	Асарнинг ўқувчига маънавий-тарбиявий таъсири	10,3	27,6	57	29,9	32,7	42,5
8	Асардан ҳиссий, эмоционал, эстетик завқ олиш	12	21,8	55,3	41,4	32,7	36,8
9	Идрокнинг предметлиги	67,2	74,7	20,7	13,8	12,1	11,5
10	Идрокнинг аналитиклиги, тасвирланган нарса ва ҳодисаларни ўзаро узвий боғлиқлигини аниқлаш	5,2	6,9	17,2	20,6	77,6	72,4
11	Идрокнинг конкретлиги	17,2	18,4	43,6	39	51,8	42,6
12	Идрокнинг башоратлиги	3,4	5,7	31	34,5	65,6	59,8

С.А.Ерков эстетика, санъатшунослик, психология, санъат социологияси, педагогика фанларида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида ўз ишида (2006) санъат асарларини идрок этишни уч турга бўлган: нотўлиқ бадиийидрок – шаклиданкўра маъносига кўпроқ эътибор бериш; инфантил эстетик идрок – мазмуниданкўра асарнинг шаклий томонларига кўпроқ эътибор бериш; мазмунни ўзига хос тарзда субъектив талқин этиш.

С.А.Ерков фикрича, идрокнинг биринчи турини шартли номлаганда “натурмонтлар”, иккинчи турини “формелиотлар” дейиш мумкин.



Учинчи турини бадий идроки юқори савияда бўлганлар, яъни идрок этаётган санъат асари мазмуни ва шаклий томонларининг ўзига хос нозик томонларини идрок эта оладиганлар ташкил қилади.

Шу билан бирга тадқиқотда бадий идрокни ўрганишда идрок билиш жараёни сифатида танланган бўлиб, илмий урғу дифференциаллик, тахлийлилик, конкретлилик ва башоратлиликка берилган.

Биз С.А.Ерков тадқиқотидан илмий, ижодий фойдаланган ҳолда идрокнинг 4 та эмас, 12 хусусиятини ўргандик ва олтинчи синф ўқувчилари билан чекланмасдан, 7-синф ўқувчиларини идрокини ҳам ўргандик. Шу билан бирга геометрия фанига сингдирилган тасвирий санъатга доир тушунчаларни 8- ва 9-синф ўқувчиларида ўрганишни лозим топдик, чунки геометрия фани ўз предметиға эға бўлган алоҳида фандир.

Тасвирий санъат асарларни идрок этишда ўқувчиларда ёшиға (синфиға) мос равишда қандай ўзгаришлар бўлиши, қайси хусусиятлар яхши ривожланиб, идрокнинг қайси томонлари нисбатан ортда қолишини аниқлаш учун Бухоро шаҳридаги 34- ва 39-сонли ўрта умумтаълим мактабларининг 5- ва 7-синф ўқувчиларидан олинган тадқиқот маълумотларини қиёсий таҳлил қилдик (8-жадвалға қаралсин). 8-жадвалда ўз ифодасини топган статистик маълумотлар махсуссухбатгача олинган тадқиқот натижаларидир. Бешинчи ва еттинчи синф ўқувчилари томонидан "Менинг дуторим" асарини идрок қилишда биз томондан ўрганилган 12 та хусусиятнинг барчаси ифодаланишида ўсиш кузатилмоқда.


Тасвирий санъат асарини идрок этишда кескин ифодаланган ўсиш ранглар ва уларнинг ўзаро муносабатини идрок этишда, образлар орасидаги муносабатларни идрок этишда, идрок тўлиқлигида кузатилди.

Бешинчи синфдан еттинчи синфгача ўсиш кўрсаткичларида ўзгариш кам бўлган идрок хусусиятларини идрокнинг аналитиклиги, конкретлиги, башоратлиги ташкил қилади.

Бешинчи ва еттинчи синф ўқувчилари орасида санъат асарларини идрок қилишда етарли динамика, яъни шаклланиш, ўсиш, қайд этилганлигиға қарамасдан, ўқувчиларнинг катта қисми (42 фоиздан 72 фоизгача)да қуйидаги идрок хусусиятлари қуйи даражада баҳоланди.

Булар (қуйи савияда баҳолаганлар) қуйидагилардан иборат:

- асар ғояси, мақсадни англаш -47,1%;
- ижодий идрок қилиш-56,3%;
- асарнинг ўқувчига маънавий-тарбиявий таъсири-42,5%;
- идрокнинг конкретлиги-42,6%;
- идрокнинг башоратлиги-59,8%;
- идрокнинг аналитиклиги-72,4%.



Тадқиқотимизда қўлланган 12та идрок хусусиятларидан 50% ўрта умумтаълим мактаби тасвирий санъат курсининг якунида, яъни 7-синфда қуйи даражада шаклланганлигини кўрсатапти.

Бу эса тасвирий санъат ўқув предмети бўйича таълим сифатида катта муаммоларимиз мавжуд эканлигини ва бу масалаларнинг туб моҳиятини холисона таҳлил қилиб, сабаб ва



омилларини аниқлаб, уларни қисқа мудатда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишимиз лозимлигини кўрсатади.

Тасвирий санъат асарларини идрок ва тасаввур қилишда кўпчилик кўрмаган, аниқроғи кўра олмайдиган жиҳатларни, улар орасидаги ўзаро муносабатларни кўра билиш, аниқлаш, уни оригинал талқин этиш нафақат асар муаллифининг катта истеъдод соҳиби эканлигини, балки шундай таҳлилий идрок этаётган шахснинг интеллектуал савиясини, тафаккур қилиш ва тасаввур ҳаёлида катта салоҳият, имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

### Адабиётлар:

1. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т., 2002
2. Давалетшин М.Г. Умумий психология. – Т., ТошДПУ, 2002.
3. Б.Н. Орипов “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” “ИЛМ ЗИЁ” ТОШКЕНТ-2013
4. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш. – Т., 1986
5. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат. (1-7 синфлар дастури). – Т., 1995.
6. Б.Н. Орипов “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” 5- нашр “ИЛМ ЗИЁ” Тошкент-2016.
7. Б.Н. Орипов “Тасвирий методикаси” 6- нашр “ИЛМ ЗИЁ” – Тошкент-2017.
8. Ерков С.А. Формирование художественного восприятия произведений изобразительного искусства на уроках ИЗО в 5,6 классах средней общеобразовательной школы. Автореф. дис. канд. пед. наук, – Москва 2006 г., – С. 24-30.
9. Выготский Л.С. Психология искусства. – М.: Педагогика, 1987. – 342 с.
10. Кузин В.С., Психология живописи. Учебное пособие для вузов. – М., ОНИКС, “XXI век”, 2005, – 304 с.



**Ёқубова Дилафрўз Миржабборовна,**

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети катта ўқитувчиси*

### **МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ ПСИХОЛОГИЯСИ**

**Аннотация:** Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстиришда ақлий ўйинлардан фойдаланишни тадқиқ этишдир муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда ушбу тадқиқот ишининг мақсади, мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстиришда ақлий ўйинлардан фойдаланишни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

**Калим сўзлар:** тафаккур, метод, тажриба, таъхис, тадқиқот, ўйин, тренинг суҳбат, кузатиш, методи

**Abstract:** Investigating the use of mental games is important in fostering early childhood thinking. With this in mind, the purpose of this study is to explore theoretical and practical application of mental games in the development of preschoolers' thinking.

**Key words:** thinking, method, experience, diagnosis, research, play, training conversation, observation, method.

**Аннотация:** Изучение умственных игр важно для развития мышления детей раннего возраста. Имея это в виду, цель данного исследования заключается в изучении теоретического и практического применения психических игр в развитии мышления дошкольников.

**Ключевые слова:** мышление, метод, опыт, диагностика, исследование, игра, обучающая беседа, наблюдение, метод.

**Мавзунинг долзарблиги:** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқ таълими тизими фаолиятини меъёрлаштирувчи "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси



*Мундарижа / Содержание / Contents*

3	<b>Муסיнова Р.Ю.</b>
	Структурно-функциональная модель креативной саморегуляции современного педагога Structural and functional model of creative self-regulation of a modern teacher
12	<b>Аслонов И.Н.</b>
	Психологический тренинг как средство преодоления барьеров общения в профессиональной сфере Psychological training as a means of overcoming communication barriers in the professional field
17	<b>Қораева Ю.Х.</b>
	Психологияда эгоизм муаммосининг тадқиқ этилиши The study of the problem of selfishness in psychology
21	<b>Назаров А.М.</b>
	Спортчиларда психологик муҳофазани шакллантириш усуллари Methods of formation of psychological protection in athletes
27	<b>Абдуманнотов Э.А.</b>
	Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг психологик шарт – шароитлари. The psychological conditions of developing the mechanisms of encouraging nationalistic sentiments among state schoolchildren by means of excursions to places of historical importance.
34	<b>Алимарданова Р.Н.</b>
	Оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг муҳим омиллари Important factors in maintaining a healthy psychological relationship in the family
38	<b>Бозоров З.А.</b>
	Тиббиёт олийгоҳи талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари Psychological features of the development of civic culture in medical students
44	<b>Zaripov N.N.</b>
	О'қувчиларга дастurlash tillarini o'qitishda o'yin texnologiyalaridan samarali foydalanishning psixologik imkoniyatlari Psychological possibilities of effective use of game technologies in teaching programming languages to students
50	<b>Рўзиев М.Қ.</b>
	Таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик имкониятлари Psychological possibilities of using new pedagogical technologies in the educational process
53	<b>Акрамов М.Р.</b>
	Экологик онг ва ахлоқий тасаввурлар ўртасидаги ўзаро алоқанинг психологик асослари Psychological basis of the interaction between ecological consciousness and moral perceptions
56	<b>Остонова Г.Р.</b>
	Ўқувчилар томонидан санъат асарларини идрок ва тасаввур қилинишининг ўзига хос хусусиятлари Peculiarities of students' perception and imagination of works of art